



## Social protection of military services – an important factor in the activities of the National Guard

Shakhrukh GAZIEV<sup>1</sup>

University of Public Safety of the Republic of Uzbekistan

---

### ARTICLE INFO

**Article history:**

Received April 2021

Received in revised form

20 April 2021

Accepted 15 May 2021

Available online

15 June 2021

---

### ABSTRACT

This article is devoted to the study of the factor of social protection of servicemen in the system of the National Guard, in connection with which the importance of this topic is emphasized and proposals for current legislation are presented.

2181-1415/© 2021 in Science LLC.

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

---

**Keywords:**

serviceman,  
social protection,  
pension,  
law,  
public safety.

## Ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш – Миллий Гвардия фаолиятида долзарб масала

---

### АННОТАЦИЯ

**Калит сўзлар:**  
ҳарбий хизматчи,  
ижтимоий ҳимоя,  
пенсия,  
қонун,  
жамоат хавфсизлиги.

Ушбу мақола Миллий гвардия тизимида ижтимоий ҳимоя долзарб масалалардан бири эканлигини илмий ўрганишга бағишиланиб, унда ҳарбий хизматчиларни ижтимоий муҳофазалашнинг зарурати ва қонунчилик асослари тадқиқ қилинган, қонунчиликка таклифлар ишлаб чиқилган.

---

<sup>1</sup> Candidate of Legal Sciences, Department of “Industrial-Legal Sciences” Associate Professor, University of public safety of the Republic of Uzbekistan, Tashkent, Uzbekistan.

# Социальная защита военнослужащих – важный фактор в деятельности Национальной Гвардии

## АННОТАЦИЯ

**Ключевые слова:**  
военнослужащий,  
социальная защита,  
пенсия,  
закон,  
общественная  
безопасность.

Данная статья посвящается изучению необходимости фактора социальной защиты военнослужащих в системе Национальной гвардии, в связи с чем акцентируется важность данной тематики и представлены предложения по действующему законодательству.

Дунё борки, унда бебаҳо неъматлар бисёр. Шундай неъматлар ичида Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, фарзандлар камолини кўриб яшаш инсон учун бекиёс. Бунинг учун тарихдақуролли мажаролар ва урушлар оқибатида не-не ҳарбий хизматчилар қурбон бўлмади, ёш ўғлонлар ҳаёти завол бўлмади.

И. Каримов таъкидлаганидек, “1999, 2000 ва 2001 йилларнинг ёз фаслида Афғонистон ҳудудида ўзига уя қуриб олган террорчи тўдаларнинг чегараларимиздан бостириб кириб, бизни азиз фарзандларимиз – ҳаётга эндиғина қадам қўяётган ҳарбий аскарлардан жудо қилиб, оналар юрагини дарду аламга тўлдирганини, Ўзбекистоннинг озодлиги ва тинчлигига қарши ташкил қилинган хуруж ва ҳаракатларни бошимиздан кечирганимизни ҳам биз ҳеч қачон унутмаслигимиз ва бундан тегишли сабоқлар чиқаришимиз зарур”.

Ҳарбий хизматчиларимиз ҳозирги кундаяманъянага содик бўлиб, айниқса, жамоат хавфсизлиги суюнчи бўлиб келаётган Миллий гвардия турли топширикларни жанговар ва бошқа оғир вазиятларда бажариб келмоқда. Масалан, бундан роппа-росабир йил олдин Сирдарё вилоятининг Сардоба тошқини вақтида аҳолини қутқаришда ҳарбий хизматчилар қатнашишди, ҳарбий қисм маҳсус вазифаларни бажариш отряд командири С. Ибрагимов ва гуруҳ мутахассиси Х. Суюновлар сув тошқинида қолди, жанговар отряд муҳандиси Х. Суяров эса қутқарув ишларида ҳалок бўлди.

Шу дамларда мардлик ва жасорат кўрсатиб, аҳолини қутқаришда ўз жонини аямagan ҳарбий хизматчиларни ўзини ёки ҳалок бўлганларнинг фарзандларини ижтимоий ҳимоялаш долзарб масалага айланиб қолади. Бундай ҳарбийларнинг хотирасини абадийлаштириш баробарида, уларнинг оиласидан эл-юрт назаридан қолмаслиги лозим.

Зеро, бу жиҳат – миллий давлатчилигимиз анъанаси бўлиб, профессор А. Азизхўжаев қайд этганидек, “ҳар бир мамлакат миллий давлатчилик анъаналарини сақлаб қололмаса, у чинакамига ўзига хос демократик давлат бўла олмайди.

Шунга кўра, Қуролли Кучларни ислоҳ қилишнинг асосий вазифалари қаторида Ўзбекистонда ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш масалаларига доимо эътибор қаратиб келинади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А. Каримов ўз вақтида: “ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари эҳтиёжларига жавоб берадиган замонавий ҳарбий шаҳарчалар барпо этиш, ҳарбий округлар миқёсида интеграциялашган

қўшинларорти таъминотини йўлга қўйиш, ижтимоий, уй-жой, майший, тиббий таъминот тизимларини яратиш юзасидан қабул қилинган давлат дастурларини амалга ошириш вазифалари доимий эътиборимиз марказида” бўлиши кераклигини ўринли таъкидлаганди.

Бу вазифаларнинг ўта муҳим аҳамияти ҳақида тўхталиб, у: “авваламбор, бугунги шароитда фақат пухта тайёргарликка эга бўлган, ҳар томонлама яхши таъминланган ва ижтимоий ҳимояланган Қуролли Кучларгина хавфсизлик ва барқарорликнинг, сарҳадларимиз дахлсизлиги ва мамлакатимиз худудий яхлитлигининг, пировард натижада эл-юртимизнинг тинчлиги ва осойишталигининг, осуда ҳаётимизнинг мустаҳкам ва ишончли кафолати бўла олади” дея ҳаётий ҳақиқатни айтган эди.

Республика Президенти Ш. Мирзиёев ҳам ўтган йилда Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Келгуси йилда мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини ривожлантириш бўйича ислоҳотларимизни давом эттирамиз” деди ва: “хусусан, Қуролли Кучлар қудратини, қўшинларнинг профессионал ва жисмоний салоҳиятини юксалтириш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оиласаларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларига алоҳида эътибор қаратамиз” дея таъкидлади.

Ўзбекистон Қуролли Кучлар таркибида бошқа ҳарбий тузилмалар каби Миллий гвардия ҳам мудофаа ва хавфсизликни таъминлаш ва бошқа оммавий-ижтимоий жараёнларда ўз ўрнига эга бўлиб келмоқда.

Ҳарбий хизматчилар табиий оғат оқибатларини бартараф қилишда иштирок этиб, жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича мутлақо янги тизимда ишлаётгани, аҳоли осойишталигини таъминлашда ва оммавий тадбирларни ўтказишда фаол қатнашаётгани ишонч ва масъулиятни янада ошироқда.

Бу ҳолат нафақат Ўзбекистонда, балки хорижда ҳам шундай саналади.

Масалан, ҳарбий хизматдаги олимлардан А. Ковалёв ҳамда Росгвардия капитани Р.В. Руденколар ҳарбийлар бир вақтлар Чеченистон ва Шимолий Кавказ ҳудудларида ҳарбий ҳаракатлар ва бошқа антитеррор тадбирларида иштирок этиб келганини, бунақа хавф-хатарларни олдини олишда маҳсус қўшинни (Росгвардияни) тузиш ҳаракатлари 2012 йилдаги режалар асосида шакллангани, ҳозирда самарали ишлаётганини таъкидлашади.

Д.А. Бондяевнинг қайд этишича, АҚШ Миллий гвардияси эса мамлакат ички ва ташқи ҳарбий ҳаракатларида, шу жумладан ҳуқуқ-тартибот ва табиий оғатларнинг олдини олишга биринчи навбатда сафарбар этилади.

И. Смородинска ва АҚШ гвардиясини ушбу йўналишдаги ишларга жалб қилиш тўғри ташкил этилганлигини қайд этади, 1992–1993 йилларда 100 мартадан ошиқ ҳолатларда табиий оғатларга қарши курашда қатнашиб, 200 мартадан зиёд фавқулотта ҳолатларда маҳаллий ҳокимиятларга ёрдамга келгани ҳақида маълумот беради.

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳам сўнгги пайтларда амалга оширган улкан ишлари билан ўз ўрнига ва номига муносиб бўлмоқда.

Маълумотларга кўра, 2018 йил 1 июлдан Тошкент шаҳрида “Хавфсиз пойтаҳт” концепцияси жорий этилгач, масалан Тошкент, Жиззах ва бошқа ҳудудларда жамоат тартибини таъминлаш бўйича Миллий гвардия органлари иштирокида янги тизим йўлга қўйилди.

“Ҳавфсиз ҳудуд” концепцияси асосида Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва ИИВ ҳамкорлигидаги йўлга қўйилган тизимли чора-тадбирлар натижасида Тошкент шахри ҳудудида жами 710 та (179 та пиёда, 511 та автомобилли ва 20 та мотоскутерли) патруллик йўналишлари ташкил этилиб, уларга 1500 дан зиёд ҳарбий хизматчи ва ходимлар сафарбар этилган.

Ҳарбий хизматчилар ва ходимлар туну-кун ҳаракатда бўладиган уч сменали патруль режимини ўтаб, тинчлик шароитида ҳам, ташвиш тушган кезларда ҳам эл-юрт корига яраб, жасорат намоён қилиб келдилар.

Ички ишлар ва Миллий гвардия мутахассислари эътирофига лойиқ бўлган бу йўналишдаги ишларни ташкил этишда ҳарбий хизматчилар ва ходимларни ижтимоий рағбатлантиришларга эътибор қаратиб келинди.

Бу ўз навбатида тизимда ижтимоий муҳофазадан дарак бериб, ҳарбий хизматдаги олимларимиз қайд этганидек, қонун билан ҳарбий хизматчилар ва улар оила аъзоларининг турмуш даражасини юксалтириш, ички таъминоти, уй-жойи, тиббий ва пенсия таъминотини такомиллаштириш механизмлари белгиланмоқда.

Айниқса, “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида”ги қонунининг қабул қилиниши Ватан ҳимоячиларининг ижтимоий ҳимоясига қаратилган барча чора-тадбирларнинг ҳуқуқий негизи сифатида катта аҳамият касб этди.

Айнан қонунда ижтимоий таъминотнинг маҳсус субъекти сифатида ҳарбий хизматчилар ва ходимларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича муҳим қоидалар ўрнатилди. Шу асосда ҳозирги кунда фаолиятнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланмоқда.

Айни вақда б та кодекс, 30 га яқин қонун ҳамда 100 дан зиёд қонуности ҳужжатлари, кўплаб Қўмондон буйруқ ва қарорлари ишлаб чиқилди.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар “Regulation.gov.uz” электрон ахборот порталида Миллий гвардия фаолиятига доир 10 га яқин қонун ҳужжатлари муҳокамадан ўтди.

Ижтимоий муҳофазага оид қонунчиликни яратиш ишларини янада жадаллаштиришмақсадида “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий хизматчилари ва ходимлари кунини белгилаш тўғрисида”ги қонунини қабул қилишнимиқсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Чунки бундай рамзий сана ўзига хос байрам бўлади. Масалан, 8 январь – Прокуратура органлари ходимлари куни, 26 январь – Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари ходимлари куни, 5 апрель – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати куни, 25 октябрь – Ички ишлар органлари ходимлари куни сифатида кўтаринки кайфиятда нишонланиб келинади.

Миллий гвардия органлари ҳарбий хизматчилари ва ходимларини маънавий-аҳлоқий жиҳатидан қўллаб-қувватлаш, ҳарбий ватанпарварликни янада ошириш ва хизмат фаолиятини янада рағбатлантириш мақсадидапарламентимиз – Олий Мажлис томониданaloҳида қонун қабул қилиниши ва “4 август куни”ни рамзий байрам санаси сифатида белгиланиши тизимда ижобий маъно касб этиши шубҳасизdir.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т-11. – Т.: “Ўзбекистон”, 2003. – Б. 4.
2. Азизхўжаев А. Давлатчилик ва маънавият. – Тошкент: “Шарқ”, 1997. – Б 82.
3. Ковалёв А.А. Участие Национальной гвардии России в обеспечении военной безопасности. Журнал. Политика и правовое государство. 2016 г. №9. – С. 52–59.
4. Бондяев Д. Правовая регламентация деятельности Национальной гвардии США во внутригосударственных операциях. Вестник Московского Университета МВД России. 2009, №3. – С. 128.
5. Смородинская И. Организационно-правовые основы деятельности Национальной гвардии в обеспечении национальной безопасности США: автореф. дисс. канд.юрид. наук. 2001.
6. Джураев Р. Миллий гвардиянинг жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича вазифаларини замонавий талаблар асосида амалга ошириш. – Т.: ҲТИ ахборотномаси, 2020 йил, 1-сон. – Б. 5.
7. Мамаюсов С. Жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг маънавий-ахлоқий хусусиятлари. – Т.: ҲТИ ахборотномаси, 2020 йил, 1-сон. – Б. 8.
8. Бобожонов П. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш – ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этишнинг бош мезони. . – Т.: ҲТИ ахборотномаси, 2018 йил, Махсус сон. – Б. 23.
9. Ташматов Б. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси – Конституция ва демократик ҳуқуқий давлатимиз таянчи. – Т.: ҲТИ ахборотномаси, 2018 йил махсус сон. – Б. 3.
10. Хакназаров Х. Ҳарбий хизматчилар кундалик ҳаётида конституция ва қонунларни ўрганишнинг аҳамияти. – Т.: ҲТИ ахборотномаси, 2020 йил, 4-сон. – Б. 84.